АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ТАЛАБАЛАРИ БЎЙИЧА МУВОФИҚЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Одилжон Тохиров

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги Бош директорининг ўринбосари

Annotatsiya:Ушбу ишда автотранспорт воситаларининг халқаро стандартлар талаблари асосида мувофиқлигини баҳолаш масалалари кўриб чиқилган. Хусусан, халқаро стандартлар (Европа Иттифоқи, ИСО, ЕЭК ООН каби ташкилотлар томонидан белгиланган) талаблари, уларнинг транспорт воситаларига қўйиладиган техник ва экологик меъёрлари таҳлил қилинган. Мавжуд автотранспорт воситаларини баҳолашда қўлланиладиган методика ва мезонлар, диагностика воситалари ҳамда сертификатлаш тизимининг аҳамияти ёритилган. Шунингдек, Ўзбекистон шароитида мазкур талабларга мослашув ва уни амалга оширишдаги муаммо ва ечимлар ҳам тадқиқ этилган. Ишнинг мақсади – автотранспорт воситаларининг халқаро талабларга мослигини аниқлаш орқали уларнинг хавфсизлиги, экологик тозалиги ва рақобатбардошлигини оширишга ҳисса қўшишдан иборат.

Kalit sozlar: автотранспорт воситаларининг техник-меъёрий баҳолаши, халқаро стандартлаштириш тизими, конформлик (мувофиқлик) баҳоси, автотранспорт соҳасида стандартлаштириш ва метрология, транспорт воситаларининг глобал мувофиқлиги, саноат маҳсулотлари мувофиқлигини тасдиқлаш, автомобилларга нисбатан халқаро талаблар, қўлланиладиган сертификатлаш стандартлари.

Аннотация:В данной работе рассмотрены вопросы оценки соответствия автотранспортных средств требованиям международных стандартов.В частности, были проанализированы требования международных стандартов (установленных такими организациями, как ЕС, ISO, eekann), их технические и экологические нормы, предъявляемые к транспортным средствам.Освещается важность методологий и критериев, используемых при оценке существующих транспортных средств, диагностических инструментов, а также системы сертификации.Также, Также были исследованы проблемы и решения адаптации и реализации данных требований в условиях Узбекистана.Цель работы-способствовать повышению безопасности, экологичности и конкурентоспособности автотранспортных средств путем определения их соответствия международным требованиям.

ISSN 3030-3907

Ключевые слова: технико-экономическое обоснование автотранспортных средств, международная система стандартизации, конформизм (мувоп), стандартизация и метрология автотранспортных средств, глобальный мувоп, относящийся к автомобилям требования, стандарты сертификации.

Annotation: in this work, issues of assessing the conformity of vehicles on the basis of the requirements of international standards are considered. In particular, the requirements of international standards (defined by organizations such as the European Union, ISO, eek Oon), their technical and environmental standards for vehicles have been analyzed. The methodology and criteria used in the assessment of existing vehicles, diagnostic tools and the importance of the certification system are highlighted. Problems and solutions in adaptation and implementation of these requirements in the conditions of Uzbekistan have also been studied. The purpose of the work is to contribute to improving the safety, environmental friendliness and competitiveness of vehicles by determining their compliance with international requirements.

Keywords: feasibility study of motor vehicles, international system of standardization, conformism (IWRM), standardization and metrology of motor vehicles, global IWRM requirements related to automobiles, certification standards.

Кириш

Автотранспорт воситаларини ишлаб чиқариш соҳаси глобал даражада ривожланиб бораётгани сабабли, халқаро сифат менежменти стандартларининг аҳамиятининг ортиши ҳамда миллий ва халқаро сифат стандартларининг бирлашиши талаб қилинади. Бундан келиб чиққан ҳолда, автотранспорт воситаларини мувофиқлигини баҳолашда халқаро стандартларни интеграция қилиш муҳим ва долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Халқаро савдо ва транспорт тизимларининг жадал ривожланиши туфайли, автотранспорт воситаларининг халқаро стандартлар билан мувофиқлигини таъминлаш ва уларни баҳолаш тизимларини такомиллаштириш долзарб масала ҳисобланади. Қуйидагилар мувофиқликни бахолашда асосий вазифалар хисобланади:

1. Автотранспорт воситаларининг глобал талаблар асосида баҳоланиши. Халқаро автомобиль бозорларида рақобатбардошликни таъминлаш учун автотранспорт воситалари халқаро стандартларга жавоб бериши керак. Европада ECE (Economic Commission for Europe), АҚШда FMVSS (Federal Motor Vehicle Safety Standards) ва жаҳон бўйича ISO, IATF стандартлари каби тизимлар мавжуд. Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган ва

ISSN 3030-3907

импорт қилинадиган транспорт воситалари мазкур стандартларга жавоб беришга мажбурдир.

2. Мувофиқлик баҳолаш тизимларининг такомиллаштириш зарурати. Мувофиқлик баҳолаш тизими – автотранспорт воситаларининг техник, хавфсизлик ва экологик талабларга жавоб беришини таъминлашга қаратилган жараён бўлиб, у турли сертификатлаш институтлари, давлат органлари ва хусусий секторни ўз ичига олади. Ўзбекистонда бу соҳани халқаро сифат тизимлари билан уйғунлаштириш нафақат маҳсулот сифатини оширишга, балки маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг жаҳон бозоридаги мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

3. Экологик стандартларнинг кучайтирилиши ва уларга мослашиш зарурати. Бугунги кунга келиб, кўплаб давлатлар экологик тозалик стандартларини (Euro 5, Euro 6, EPA, WLTP) жорий этмоқда. Бу эса Ўзбекистонда автотранспорт воситаларининг экологик самарадорлигини баҳолаш ва халқаро талабларга жавоб беришини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқаради.

4. Миллий ва халқаро интеграциянинг аҳамияти. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда автотранспорт воситаларининг мувофиқлик баҳолаш тизими муайян қонунчилик ва техник регламентларга асосланган. Бироқ, бу тизимни халқаро стандартларга интеграция қилишда турли тўсиқлар мавжуд:

- Техник регламентларнинг халқаро стандартлар билан тўлиқ уйғунлашмаганлиги
- Сертификатлаш жараёнларидаги бюрократик муаммолар
- ҳамкор давлатлар билан ўзаро тан олиш механизмларининг етарли даражада ривожланмаганлиги

5. Автомобил саноатида рақобатбардошлик ва экспорт имкониятларини ошириш. Ўзбекистонда автомобиль саноати ривожланиб бораётган тармоқлардан бири бўлиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар халқаро бозорга чиқиш учун транспорт воситалари сифатини ошириш ва уларни халқаро талабларга мос сертификатлаш бўйича аниқ стратегияга эҳтиёж сезмоқда.

Автотранспорт воситаларининг халқаро сифат тизимлари билан интеграция қилиниш механизмини ишлаб чиқиш нафақат миллий автомобиль саноати учун, балки умумий иқтисодий ривожланиш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу жараён ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, экспорт салоҳиятини кучайтириш, атроф-муҳит муҳофазасига ҳисса қўшиш ва йўл хавфсизлигини яхшилаш каби омилларга таъсир қилади. Шу сабабли, ушбу мавзудаги тадқиқот илмий ва амалий жиҳатдан юқори долзарбликка эга.

ISSN 3030-3907


Бу борада Республикамизда техник жихатдан тартибга солиш соҳасида бир қанча амалий ишлар бажарилмоқда:

5. Стандартлаштириш соҳасида:

- Миллий техник қўмиталар фаолияти қайта ўрганилиб, унинг 25 таси янгидан ташкил этилди, аъзолари ва таркиби қайта тузилди;
- Халқаро техник қўмиталарга доимий аъзолик 8 тага ва кузатувчилар сони 71 нафарга етказилди;
- Янги миллий стандартларни халқаро талаблар асосида ишлаб чиқиш 2024 йилда 340 дона ва 2025 йилда 256 тани ташкил этади;
- Амалдаги 41 та техник регламент 2025 йил якуни билан 67 тага етказилади
- Стандартларни халқаро стандартларга уйғунлаштириш даражаси 2024 йил кесимида 28.6 % га оширилди.

6. Метрология ва ўлчашлар бирлигини таъминлаш

- Миллий эталонлар базасини такомиллаштириш даражаси қуйидаги ўсиш графиги бўйича амалий бажарилди ва кейинги йилларга қатий режа тузилди



- Ўлчов қурилмаларини қиёслаш ва калибровкалаш бўйича лабораториялар кенгайтирилди ва фаолияти такомиллаштирилди.

7. Техник жихатдан тартибга солиш соҳасида лабораториялар фаолияти рифожлантирилди ва транспорт соҳасида қуйидаги йирик лабораторияларни очиш режаси тузилди:

- Қишлоқ хўжалиги техникаларини ағдариш бурчагини аниқлаш стенди;
- Шовқин ва тебранишни аниқлаш лабораторияси;
- Электромобилларни хавфсизлиги ва автомобиллар эмиссияси аниқлаш лабораторияси;

ISSN 3030-3907




- Пискент полигонини ривожлантириш ва бошка техник регламент талабларини таъминлаш учун лабораторияларни замонавий ўлчов курилмалари ва воситалари билан таъминлаш асосий режага киритилган.

8. Аккредитация соҳасида:

Ҳозирги кунда “Ўзбекистон аккредитация маркази” давлат муассасаси мувофиқликни баҳолаш органларининг ваколатларини қуйидаги стандарт талабларига мувофиқ аккредитация қилади:

- синов ва калибрлаш лабораторияларини ISO/IEC 17025:2017;
- тиббий лабораторияларини ISO 15189:2012;
- маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш органларини ISO/IEC 17065:2012;
- ходимларни сертификатлаштириш органларини ISO/IEC 17024:2012;
- инспекция органларини ISO/IEC 17020:2012;
- малакани текшириш провайдерларини ISO/IEC 17043:2010;
- менежмент тизимларини сертификатлаштириш органларини ISO/IEC 17021-1:2015;
- Марказ томонидан ILAC MRA/IAF MLA белгиларидан фойдаланиш бўйича олинган ҳуқуқлар, унга тегишли шартномаларга мувофиқ, аккредитацияланган МБОлар томонидан ILAC MRA/IAF MLA қўшма белгиларидан фойдаланишга рухсат беришга имкон беради

Юқоридаги маълумотлар асосида шуни айтиш мумкинки, мувофиқликни бахолашни барча соҳаларида, айниқса транспорт воситалари ва машинасозлик соҳасида мувофиқликни бахоловчи ташкилотлар фаолияти халқаро стандарт талаблари асоида фаолият олиб боришига ҳар томонлама йўллар очилиб бериляпти. Бу орқали жаҳон бозорига чиқиш имконияти яратилади ва иқтисодиетни мустаҳкам бўғинлари қўлга киритилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РО'ЙХАТИ

1. O'zbekiston Respublikasining “Avtomobil transporti to'g'risida”gi Qonuni – Toshkent, 1999 y.
2. GOST R ISO 9001:2015 – Sifat menejmenti tizimlari. Talablar. (ISO(ISO 9001:2015 ning rus tilidagi analogi).

ISSN 3030-3907

3. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti qarori PQ-337-son – "Yo'l harakati xavfsizligini ta'minlash va transportning texnik holatini nazorat qilish chora-tadbirlari to'g'risida" ,2018 yil.
4. ISO 7637 - Yo'l transporti - O'tkazuvchanlik va ulanishdan kelib chiqadigan elektr buzilishlari (standart) .(xalqaro standarti).
5. ISO 11439 - Gaz ballonlari - Avtotransport vositalari uchun yoqilg'i sifatida tabiiy gazni bortda saqlash uchun yuqori bosimli ballonlar ..
6. VA.Jabborov A.J. – “Avtomobil transportida texnik xizmat ko‘rsatish va ta’mirlash” , T.: “Fan va texnologiya”, 2017 y.
7. Normativ hujjat: “Avtotransportning texnik ko'rikdan o'tkazish tartibi” O'zbekiston Respublikasi YHXB nashrlari.
8. UNECE (Birlashgan Millatlar Tashkilotining Yevropa Iqtisodiy Komissiyasi) R seriyadagi me'yoriy hujjatlar – ayniqsa:
   - UNECE Nizomi № 83 (ifloslantiruvchi moddalar emissiyasi)
   - UNECE Nizomi № 13 (Buzilish)
9. “ AvtomobilNasriddinov A. – “Avtomobillarga texnik xizmat ko‘rsatish kilish” , Toshkent, 2020 y.

ISSN 3030-3907